

ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Насирова Дилноза Собировна
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти ӯқитувчиси

Аннотация: Мақолада кадрлар тайёрлаши тизимини модернизациилаш шароитида инновацион ёндошув асосидаги талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришининг назарий-методологик асослари мазмуни ёритилган.

Таянч сўзлар: талаба, кадр, тизим, модернизация, инновация, ёндошув, миллий, маънавият, қадрият, илм, фан, соҳа, мерос, ватан.

РАЗВИТИЯ ДУХОВНОСТИ СТУДЕНТОВ КАК ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

Насирова Дилноза Собировна
Преподаватель Денаусского пединститута
предпринимательство и педагогики

Аннотация: В статье раскрывается содержание теоретико-методологических основ развития духовности студентов на основе инновационного подхода в условиях модернизации системы подготовки кадров.

Ключевые слова: студент, коллектив, система, модернизация, инновация, подход, национальный, духовность, ценность, наука, наука, поле, наследие, родина.

DEVELOPMENT OF STUDENTS' SPIRITUALITY AS A PEDAGOGICAL PROBLEM

Nasirova Dilnoza Sobirovna
Denov entrepreneurship and pedagogy institute lecturer

Annotation: The article reveals the content of the theoretical and methodological foundations for the development of students' spirituality on the basis of an innovative approach in the context of modernizing the training system.

Keywords: student, team, system, modernization, innovation, approach, national, spirituality, value, science, science, field, heritage, homeland.

Кириш: Миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз, илм-фан соҳасидаги ота-боболаримиздан қолган мероснинг қайта тикланиши, халқимизнинг миллий ўзлигини англаш жараёнининг ўсиб бориши натижасида халқимиз тафаккур тарзида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Хаётимизда содир бўлаётган бу ўзгаришлар одамлар қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка ишонч туйғусини, озодлик ва эркинлик ҳиссини тарбияламоқда. Мустақиллик туфайли тобеълик ва қарамлиқдан озод бўлган давлатимиз ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг аралашуви, тазиқи ва кўрсатмаларисиз халқ манфаатларини кўзлаб иш юритмоқда. Юртимиз истиқлолигина бой маданий-маънавий меросимиздан, буюк аждодларимиз яратган маънавият чашмаларидан баҳраманд бўлишимиз учун кенг йўл очди. Мустақиллик халқимизга юртимизнинг бебаҳо ер ости ва ер усти бойликларига чинакамига эгалик қилиш, ўз диёрида ўзини эркин ҳис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юритиш имконини берди.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасига ҳам тааллуқли бўлиб, талабалар маънавиятини ривожлантириш вазифаси устувор йўналиш сифатида яққол кўзга ташланмоқда

[1]. Зеро, фақатгина ёш авлодни камол топтиришга, уларни янги ижтимоий муносабатларга кириша оладиган умуминсоний қадриятларни эътироф этадиган, маънавий баркамол, юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялаш кўп жиҳатдан талабаларнинг маънавий даражасига боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили: Буюк Шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, XIX аср охири ва XX аср бошлирида яшаб ижод этган жадид маърифатпарварлари Абдула Авлоний, Абдурауф Фитрат, Махмудхўжа Беҳбудий ва бошқаларнинг маънавий-маърифий қарашлари, ғоялари бугунги кунда ҳам талабаларни маънавий ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади. Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, М.Кахҳарова, А.Маврулов, Т.Махмудов, Ж.Туленов, Г.Туленова, О.Ғайбуллаев, Э.Ю-суповлар томонидан тадқиқ этилган. Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик масалалари бўйича Б.Адизов, М.Ариповна, М.Ахмедова, О.Жамолдинова, Г.Ибрагимова, М.Иномова, У.Махқамов, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Ш.Олимов, Б.Ходжаев, А.Чориевлар илмий изланишлар олиб боришиган.

Тадқиқот методологияси: Миллий меросимиз, қадриятларимиз қайта тикланиши, миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши туфайли одамлар онгода, тафаккурида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй бермокда. Маънавий-маърифий жараёнлардаги ўзгаришлар одамларимиз қалби ва онгига сингиб, уларда келажакка, ўз кучига, ўз имкониятига ишонч, Ватанга муҳаббат, эркинлик хиссини тарбияламокда. “Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда одамларнинг ўзи ўзгарди” [2].Faқат истиқлол ҳалқимизга ўз Ватанида ўзини эркин хис этиш, эркин фикрлаш, мустақил тафаккур юритиш имконини берди. Ва у кенг кўламдаги сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишда асосий куч-қудрат бўлиб хизмат қилмоқда.

Талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш масаласи ҳақида фикр юритганда, энг аввало, муаммога доир “маънавият”, “маънавий эҳтиёж”, “маънавий бурч”, “маънавий ворислик”, “маънавий маданият”, “маънавий мерос”, “маънавий фазилатлар” каби асосий тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб бериш мақсадга мувофиқдир.

Маънавият шахс, ҳалқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир. Маънавият (арабча “маънавият” – маънолар мажмуи) моҳиятига кўра ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир ўтказувчи фалсафий, хуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур, тушунча ва ғоялар мажмуи ҳисобланади.

Маънавият – инсонни бошқа мавжудодлардан ажратиб турувчи муҳим омил ҳисобланади. Инсон табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Faқатгина моддий жиҳатдан кифояланиш онгиз ва руҳсиз махлуқотларга хос бўлган хусусиятдир. “...Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди. Инсон ўзини ҳалқнинг бир зарраси деб сезгандагина, у ҳақда ўйлаб меҳнат қилиб яшагандагина маънавият билан туташади”[2]. Шу боис инсоннинг эркинликка, адолатга, камолотга интилиши, ижод қилиши маънавий эҳтиёjlари туфайлидир. Инсон ўз табиатига нолойик ҳолда эмас, балки унга муносиб равишда яшамоғи лозим. Шу маънода маънавият ўз-ўзини яратиш фаолиятининг мазмунидир. Маънавият ижтимоий ҳодиса сифатида биргина шахс онгига боғлиқ бўлмасдан, унинг ўзгариши, ривожи умуммиллий тажриба орқали амалга ошади. Маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул. Маънавият – одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир. У инсоннинг ботиний томонига қаратилганлиги билан ажralиб

туради.

Маънавиятнинг моҳияти, амалий аҳамияти, айниқса, жамият ҳаётида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган даврларда яққол қўзга ташланади. Давлатнинг кучи ва қудратини маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларгина белгилайди. Маънавиятга эътибор берилмаган мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий бўхронлар содир бўлади. Мамлакат беҳисоб табиий бойликларга эга бўлсада, лекин халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ, қолоқ бўлса, у давлат ҳеч қачон буюк бўла олмайди. Шу боис инсон ҳамиша неча-неча азоблар ва кийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди.

Бу ўринда маънавият тушунчасининг таърифи, унинг таркибий қисмлари ҳамда жамият ҳаётидаги бекиёс аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтишимиз лозим. Чунки яқин-яқингача илмий адабиётларда маданият, жумладан маънавий маданият ҳақида гапирилар эди-ю, маънавият ҳақида ҳеч нима дейилмасди.

“Ватан туйғуси” китобида “Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунчча”[3] – деб таърифланган.

Албатта “маънавият” тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тилда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин:

1) маънавият – инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг таркибий қисми, онги, ақл заковатининг маҳсули;

2) маънавият моддий ҳаётни акс эттиради ва жамиятда мавжуд бўлган маънавий ҳодисалар йифиндиси сифатида қўзга ташланади;

3) маънавият – ҳар бир инсоннинг ички руҳияти, ақл заковати, уни ўзини-ўзи англаш, яхшиликларга, эзгу ниятларга тўла қалби, олдинга қараб янги мэрралар сари онгли равишда фаоллик кўрсата билиш ва интилиш салоҳиятидир;

4) маънавият кўп қиррали ҳодиса бўлиб, ахлоқий (одоб, бурч, масъулият туйғуси), илмий-ижодий, амалий малакалар (мехнат, ижодкорлик, истеъдод, қобилият), диний, мафкуравий қарашларнинг яхлит бирлигидир;

6) маънавият – инсон ва жамият ҳаётининг уч асосий соҳасидан (йўналишидан) бири бўлиб, ҳар бир инсоннинг Ҳаққа, Борлиқнинг моҳиятига бўлган муносабати. Маънавият – ўз мазмунига кўра кўп қиррали муракқаб ҳодиса бўлиб, моҳиятан инсон руҳидаги Борлиқ ҳақиқати билан уйғунликни англатади. Шу маънода уни Инсоннинг, Халқнинг, Жамиятнинг, Давлатнинг куч-қудрати, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлай-диган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч, Ҳақиқат нурининг инсон қалбида акс этиши, ёки бақонинг фанода зуҳури, дунёвий ва ухравий мақсадларининг уйғунлиги, инсоннинг ўз моҳияти олдидаги масъуллиги, ўзлигини англаши деб ҳам таърифлаш мумкин;

7) маънавият – бу кишининг эгаллаган фойдали билимлари амалий ҳаётида синалиб, кўникума ва малака даражасига ўтган ва қалбига сингиб, ҳаёт тарзида акс этадиган ижобий ижтимоий сифатлар мажмуидир.

Албатта, юқорида келтирилган таърифларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг қўпгина қирралари ўз ифодасини топган. Уларда муаллифлар ўзларининг нуқтаи-назарларини билдиришган бўлсада, бу таърифлар янада сайқалга мухтождир. Юқоридаги хulosалардан келиб чиқиб, уларни тўлдирган ҳолда маънавиятга қуидагича таъриф бериш мумкин. Маънавият – инсоннинг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақл-заковатининг маҳсули, унинг ижтимоий, руҳий фаолиятининг ўзига хос дастури бўлиб, у она Ватанга ҳурмат, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ва умуминсоний қадрияtlар негизида шаклланади. Бу жараёнлар миллатнинг ўз озодлиги учун курашида, ўз манфаатларини химоя этишида, тараққиётга интилишларида намоён бўлади.

Шу фикрни мантиқий давом эттириб, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан

улгайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимчада, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдигини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз.

Умуман, маънавият тушунчасига янгича нуқтаи назар билан ёндашиш, маънавий ҳаётни белгилаб берувчи сифатий мезонларни аниқлаб олиш, ундаги туб ўзгаришларни юзага келтирадиган ҳодисалар диалектикасини маънавиятга бериладиган таъриф моҳиятида тўла акс эттириш ушбу масаладаги илмий изланишнинг энг муҳим мақсади деб қараш мумкин.


“Маънавият” тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин.

Демак, маънавиятли инсон билимли, маълум касб-хунар соҳиби, ўз Ватанининг содик фуқаросидир. Ўз давлати қонунларини биладиган ва уларга амал қиладиган, юрти билан ғурурлана оладиган инсон. Ўз Ватани бойликларини сақлайдиган, уни янада бойитадиган, гўзалликларидан баҳраманд бўладиган шахс. У ҳар қандай заарарли иллатларга қарши курashдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни авайлаб асрайдиган инсондир.

Шахс маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим жиҳати унда маънавий эҳтиёжни қарор топтиришда намоён бўлади. Маънавий эҳтиёж – давлат, жамият ва шахснинг барқарор турмушида моддий эҳтиёжлардан бошқа маънавий талаблар, манфаатлар ва эҳтиёжларни қондиришга бўлган интилишини ифодаловчи тушунча. Маънавий эҳтиёж ижтимоий, сиёсий, фалсафий, илмий, ахлоқий, диний, хуқуқий ва бошқа йўналишларда аниқ намоён бўлади. Шу боисдан маънавий эҳтиёж ижтимоий онг шаклларига таянадиган фаол ҳаракат асосида таъминланади.

Тарихчи олим А.Мавруловнинг фикрича, ёшларда маънавий эҳтиёжни ривожлантириш учун қўйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: 1) шахс маънавий эҳтиёжини қондириш учун уни ўрганиш лозим. Яъни ёшлар ўз маънавий билим савиясини оширишга ўзларида эҳтиёж сезяптиларми, ё йўқ? Буни англаб етмасдан мақсадга эришиш мумкин эмас; 2) маънавий эҳтиёжни бир зарб билан ривожлантириш мумкин эмас; 3) маънавий эҳтиёжни ривожлантириш учун ҳар бир фуқарода зиёлилик сифатларини оширишни талаб қиласи. Зиёли фақат дипломли, юксак лавозимли киши эмас. Зиёли, шу билан бирга, маърифатли, кишиларга нур тарқатувчи, онгини ёритувчи инсонлардир. Бундайлар мамлакатимизда жуда кўп [4].

Маънавият масаласи ёритилган адабиётлардан маълум бўладики, талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни икки – ижобий ва салбий каби турларга ажратиш мумкин (1-расм).



1-расм. Талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга таъсир қўрсатувчи инновацион ёндошувлари омиллар

1-расмда қўрсатилганидек, маънавий эҳтиёж, маънавий бурч ва маънавий фазилатлар ижобий омиллар ҳисобланса, маънавий бузғунчилик, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари хислатлар салбий тавсифга эгадир. Талабаларда мазкур салбий сифатларнинг намоён бўлишига имкон бермаслик, унинг олдини олиш ўта муҳимдир. Бунинг учун энг аввало, маънавий таҳдид, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари хислатларнинг ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

Маънавий заифлик – маънавий ҳаёт ҳодисаси, жамият, давлат ёки халқнинг маънавий масалаларда уюшмагани маънавиятга етарлича эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзбўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ижтимоий-гоявий ожизлик ҳолати [5,105]. Маънавий заифлик халқ оммасининг туб манфаатлари ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган миллий ғоянинг, илмий асосда ташкил этилган, пухта ўйланган ва муунтазам олиб бориладиган маънавий тарбия тизимиning яратилмагани ёки ижтимоий ҳаётда амалий ифода топмагани натижасида ҳосил бўлади. Шу боис, мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, мамлекатимизда халқ маънавиятини юксалтириш борасида қатор ишлар қилинаётгани, бир собық тоталитар тузум шароитида жамият тафаккурида шаклланган маънавий заифлик жиҳатларини миллий менталитетга мос бўлган маънавий-ахлоқий жиҳатлар билан тўлдириш бўлса, иккинчи томондан онги ва дунёқараши эндиғина шаклланаётган ёшларда маънавий заифликка йўл бермаслик ҳар томонлама баркамол авлодни ривожлантириш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлиги қувонарлидир.

Маънавий тубанлик – шахснинг тарбиясидаги нуқсон ва иллатларни, маънавий жиҳатдан тарбияланмаганини намоён этувчи салбий ҳис-туйғулари мажмуи. Маънавий тубанлик инсонларнинг маънавий фазилатларига қарама-қарши, тескари бўлган хусусиятларни ифодалайди, умуминсоний хулқ-атвор меъёрларидан оғиш натижасида келиб чиқадиган нохуш жиҳатларни билдиради. Ўз манфаати, жони ва танининг роҳатини кўзлаб, “ўзим бўлай”чилик кайфияти билан ошкора ва махфий равишда йўл қўйиладиган ғайриинсоний хатти-ҳаракат, қилиқ, бадкирдорлик – ҳаром-ҳариш ишлар, фахш, нафсҳўрлик, баҳиллик, қитмирлик, таъмагирлик ва пораҳўрлик, манманлик, ва шуҳратпарастлик, хиёнат ва олчоқлик – маънавий тубанлик иллатларининг турли кўринишларидир.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, бугунги кунда талабаларнинг маънавияти-

ни ривожлантириш муҳим педагогик муаммо сифатида қуидагиларда ёрқин намоён бўлади:

1) талабаларнинг тобора глобаллашиб бораётган ва жаҳонда тез ўзгариб бораётган жаёнлар ичида ўзининг шахсий ва касбий “Мен”ини топишида адашиб қолмаслиги, айни пайтда жамият хаётида муносиб ўрин топиши;

2) бაъзи талабалар ўз маънавий қиёфасини ривожлантириш, эгаллаётган мутахассислигини қўлга киритиш учун мустақил ақлий фаолиятда ожизликка йўл қўймоқдалар. Хорижий мамлакатларда чоп этилган адабиётларни ўрганиш, интернет маълумотларига суюнган холда Абу Али ибн Синони араб миллатига мансуб мутафаккир, дейиш, табиийки, юқоридаги каби ҳолатлар туфайли содир бўлиши мумкин;

3) талабаларнинг маънавиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан улардаги ижтимоий фоллик даражасини оширишни талаб этиши;

4) талабаларни эркин мулоқотга киришишга тайёрлаш зарурияти.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганимизда, талабаларнинг маънавиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни икки – ижобий ва салбий турларга ажратиш мумкин. Маънавий эҳтиёж, маънавий бурч ва маънавий фазилатлар ижобий омиллар ҳисобланса, маънавий бузғунчилик, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари хислатлар салбий тавсифга эгадир. Талабаларда мазкур салбий сифатларнинг намоён бўлишига имкон бермаслик, унинг олдини олиш ўта муҳимдир. Бунинг учун энг аввало, маънавий таҳдид, маънавий заифлик, маънавий тубанлик сингари хислатларнинг ўзи ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони // “Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль.

2.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.

3.Иброҳимов А., Султонов X., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 398 б.

4.Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. – Т.: O’zbekiston, 2008. – 80 б.

5.Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: Университет, 1998. – Б.105.